

САЪДУЛЛА МАТЁҚУБОВ

ОНАМ АЙТГАН ҚЎШИҚЛАР



ТОШКЕНТ

САЪДУЛЛА МАТЁҚУБОВ

**ОНАМ АЙТГАН
ҚЎШИҚЛАР**

ТОШКЕНТ – 2016

Саъдулла Матёкубов. Онам айтган кўшиқлар. –Т.: 2016, 196 бет.

Ушбу рисолада, Питнак шаҳар «Шехлар» маҳалласида истиқомат қилувчи «Тоналар», «Дарақлар» уруғи тарихига оид материаллар билан танишасиз. Муаллиф рисолани яратишда боболари, момоларидан эшитган оила шажарасига оид тарихий ҳужжатларни излаб топган ва уларнинг орзу-истакларини амалга оширган. Рисолага «Шехлар» маҳалласида фаолият кўрсатаётган ҚВП тарихи, энергетиклар тарихига оид материаллар ҳам киритилган. Шунингдек, шу уруғ авлодларидан етишган кексаюёш ижодкорлар ижодидан намуналар ҳам берилган.

Масъул муҳаррир:

СОЛИЖОН ҲАСАНОВ – ЮНЕСКОнинг Халқаро «Antique World» илмий академиясининг академиги ва лауреати, Турон фанлар академияси академиги.

Тақризчи:

А.АҲМЕДОВ – Ал-Хоразмий номли УТДУ доценти, тарих фанлари номзоди.

© С.Матёкубов, 2016.

МУҚАДДИМА

Саъдулла Матёкубов кейинги йилларда, аниқроғи 90-йиллардан бошлаб, ёзма ва оғзаки нутқларида ватан, она, ижодкор сўзларига алоҳида урғу бера бошладилар. Айниқса ўқувчилари, фарзандлари билан бўлган давра суҳбатларида, устоз ва шогирдлар учрашувларидаги сўзлашувларидаги муомалаларини кўрганимда бунга амин бўлганман.

Мен, Саъдулла Матёкубовнинг ўқитувчилик касбларида, ижодий изланишларида, юксак маҳоратга эга бўлган, ватанпарвар, инсонпарвар устоз муаллим қиёфасини сезаман.

Саъдулла Матёкубов мана ўн йилдирки, ўзи ишлаётган Огаҳий номли ўрта мактабда ижодкор ота-оналар ва мактаб ўқувчиларидан энг иқтидорлиларини тўплаб «Нафосат бўстони» номли тўғарак ташкил қилдилар. Тўғарак аъзоларининг изланишлари фақат хоразмлик олимларнигина эмас, Ўзбекистоннинг кўпгина етук мутахассис олимларининг ҳам эътиборини тортди. Айниқса, шоир Огаҳий бобомизнинг назари тушган питнаклик шайх Умар эшон (1789-1875) ҳазратлари, тадбиркор мироб саҳий Қилич Ниёз Жонибек ўғли (1809-1875), маҳоратли лашкарбоши Абдурахмон қора мерган (1802-1876) каби ўнлаб табаррук тарихий шахсларнинг ҳаётини ўрганишдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида мақтовга лойиқдир.

Мен, Саъдулла Матёкубов билан 60-йиллардан буён ака-ука тутинганмиз. Ижодий ҳамкорлигимиз туфайли питнаклик шайхларга соҳибқирон Амир Темур берган фармон «Ёрлиқли шехлар» атамасига аниқлик киритганмиз. Ҳали юртимиз, халқимиз, келажак авлод учун қиладиган изланишларимиз, орзуларимиз кўп.

Мен, Саъдулла акам ташкил этган «Нафосат бўстони» тўғараги абзоларининг ижодий ишлари: шеърлари, расмлари билан тўла танишдим.

«Гулхан» журнали, «Оила ва жамият» газетасида чоп этилган ўқувчиларнинг ижодий ишларини кўриб қувондим.

Саъдулла Матёқубов минглаган ўқувчиларга хат-савод ўргатдилар. Юзлаган илмий мақолалари матбуотда эълон қилинди. Китоблари нашр этилди. Унинг шу кунларда ҳам ўқувчилар билан олиб бораётган ижодий изланишларига муваффақиятлар тилайман.

Офарин сизга, умрингиз узоқ бўлсин. Ҳамиша биз билан бирга бир сафда соғ-омон юринг. Энг яхши эзгу тилаклар билан дўстингиз.

**Абдулла Аҳмедов –
Хоразм Маъмун академияси илмий ходими**

СЎЗБОШИ

*Ушбу китобчамни, момам Қурвон
шоир Бекмурод қизининг порлоқ
хотирасига бағишлайман.*

Азиз ўқувчиларим!

Сизлар ота-бобонгиз, ўтган аждодларингиз ҳаёти ва тарихига қизиқиб кўрганмисиз? Албатта қизиқинг. Балким, сиз ҳам ота-боболарингиз билан фахрлангудек авлод эканингизга тўла ишонч ҳосил қилурсиз.

Мен ўқитувчиман, кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида, қариндош-уруғ, меҳр-оқибатга оид иш тажрибаларим мавзусида анча маърузалар ўқидим. Қанча-қанча қариндошларни излаб топдим. Меҳр, дўстлик ришталарини боғладим. Шу кунларда ҳам мактабда, ўқувчилар даврасидаман. Кейинги йилларда мактаб дарсликларида ота-боболаримиз тарихи, уруғимиз тарихини ўрганиш ҳақида, тавсиялар берилмоқда. Масалан 5-синф адабиёт дарслигида «Етти пуштини билмайдиган, аждод, авлодини танимайдиган кимсаларни марқут дерлар» деган эди буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий. «Марқут» ёки «манқурт» дегани онгидан ажралган, ота-онасини танимай, ҳатто ўлдиришдан ҳам тоймайдиган, хотирасиз, зоти бетайин одам демакдир. Бундай одам махлуқ, ҳайвон билан тенг. Кимки ота-боболарини билиб, уларнинг яхши ишларини давом эттирса, ўзи ҳам кейин фарзандларига шундай тарбия берса, мана бу одамни маънавияти юксак инсон деймиз» дейилган сатрларни ўқиб, ўқувчиларимга мазмунини тушунтирдим. Шу муносабат билан уруғимиз, маҳалламиз тарихига оид изланишлар қилдим, матбуотда ҳам эълон қилдим. Ушбу китобча ана шу изланишларимнинг натижасидир. Мен ушбу рисолаи ёзишга бошлаганимда, қанча-қанча боболарим, момоларим, ҳатто ўта билимдон тарихчи, манбашунос олимлар билан суҳбатлашишимга тўғри келди.

Баъзида суҳбатдошимнинг ҳикояларидан қувонган бўлсам, баъзида уларнинг армонли ҳаётлари тун-у кун ором бермас, тезроқ ҳақиқатни излаб топсам эди, дея оила, бола-чақалар ташвишидан ортда қолиб, югур-югурларга берилиб кетдим.

Дастлаб момом Қурван шоир ҳикояларининг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги мени безовта қилар эди. Шу боисдан изланишни

Кўхна Урганч Маъмун академиясини зиёрат қилишдан бошладим. 1991-йил 7-октябрда ўқувчиларимдан Саодатжон Ражабова, келиним Жамилахон Эгамбердиева, Шоназар Бобожонов, ўлкашунос дўстим Саиджон Қурбонбаевлар билан биргаликда Кухна Урганч маданий ёдгорликларини, тарихий обидаларини зиёрат қилдим.

1992-йил 10-апрелда ва 1997-йил 3-октябрда Туркманистон Республикаси Чоржўй вилояти (2-Чоржўй) Авазжон хўжа, Саҳийжон хўжа боболаримизнинг қабрларини кенжа ўғлим Мансурбек (аслида ўртанча ўғлим Бобуржон бориши керак эди), билан Чоржўй педагогика институти расм-чизмачилик фани ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент тоғамиз Қурбонбой Сотимов ҳамроҳлигида зиёрат қилдик. Зиёратгоҳда биз билан бирга қатнашган мужаввур отахонларимиз, Нафас оға, Ўразмурод оға, Ботир оғаларнинг бобомиз тарихи ҳақида айтган ҳикоялари, момом айтган кўшиқларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

2003-йил 20-октябрда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти профессор Тўра ака Мирзаевни изланишларимдан хат орқали хабардор қилдим. 2005-йил 20-октябрда Ўзбекистон Давлат Темурийлар тарихи музейи маъмуриятига ва юздан ошиқ илмий соҳа мутахассислари, устоз-у шогирдларим билан дўстона алоқа боғладим. (Ушбу китобчанинг илова қисмида изланишимга оид материаллардан намуналар бердим).

Боболаримиз бекордан-бекорга ўзларини «Саййидлар, Хўжалар, Шехлар» деб аташмаганлар. Халқимиз бу авлодни ўз замонасида қандай сайлашганликларини билганингизда эди?

Авваламбор ҳамма ҳам ўзини: Мен Абу Муслим авлодиман, мен Ҳазрати дарвеш Муҳаммад Амин хўжа, Саййид авлодимиз деб айтиша олмайди. Бунга бирор асос бўлганки, шундай деганлар. Яна маҳалламиз номининг «Шехлар»деб юритилишида ҳам тарихий ҳақиқат борки, бу ҳақиқат ҳижрий 780 мелодий 1378 йилда Дарған ота мавзеси Саййидларига буюк саркарда бобомиз Амир Темур томонидан Аму Муслим Марвозий авлодларидан бўлган питнаклик Отамурод шех(элдошларимиз Оқи шех бобо деб аташганлар) боболаримизга берилган Ёрлиқ мазмуни фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги кунда мен ушбу Ёрлиқ тарихи, боболаримиз тарихи, уруғимиз тарихи ҳақида илмли қариндошларим билан ҳамкорликда

батафсилроқ маълумот тўплаб, «Ёрликли шехлар» мавзусида алоҳида китобча яратиш мақсадида изланишлар олиб бормоқдаман.

Боболаримиз ҳаёти ва уруғимиз тарихини ўрганиш давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу авлод азал-азалдан илмли, ҳунарли, серқирра ноёб талант эгаси бўлган авлоддир. Зеро, номларига, саркарда, дипломат, элчи, тадбиркор, наққош, уста, мулла, полвон касб-мансабларини олган боболаримиз, Хоразм давлатчилиги тарихида номлари абадий қолган. Яқин ўтмишга айланган саркарда сахий Қилич Ниёзбой (1809-1875), Абдурахмон қора мерган (1795-1875), уста наққош Боймат чулдур Султон ўғли (1840-1920), Уста наққош полвон Қурбондурди дўнмас ўғли (1771-1839) Болта полвон (1810-1886), Аваз бахши (1870-1930) боболаримизнинг ватанпарварлиги, саҳоватпарварлиги ҳақида тарихий китоблар гувоҳлик беради.

Саркарда, дипломат, савдогор Қилич Ниёзбой Жонибек ўғли хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон I даврида Гурландаги ҳозирги Қиличбой арнани 1815-йилда қоздирган ва хон Қиличбой бобомиз номи билан аталишини лозим топган. Туғилган жойи Питнак, қабри ҳам Питнак қишлоғида жойлашган.

Харрот, наққош уста Боймат чулдур Султон ўғли, Уста Полвон Қурвондурди дўнмас ўғли (1761-1839) Питнак, Хива, Дарғон ота, Бухора жомъе масжидларини қуришда фаол қатнашганлар. Устун(ўра)лардаги хатлар, масжидлар устини бостиришда ишлатилган, сопланиш. Эшик, дарвозалардаги нақший дастхатлар. Хоразм хонлари билан бўлган очиқ мулоқотдаги ҳозиржавобликларни халқимиз ҳамон ҳурмат билан эслайдилар. Бобомиз яратган ўймакорлик санъати, Ўзбекистон халқ амалий санъатининг бебаҳо мероси эмасми? Изланмоқ керак, мутасадди ташкилотлар қизиқмоғи, келажак авлодга буюк бебаҳо меросни етказмоғи керак албатта.

Мен билган, Хоразм вилояти давлат идораларида масъулиятли раҳбар лавозимларда ишлаган ва шу кунларда ҳам фаоллик кўрсатаётган қариндошларимизнинг номларини фахр билан тилга олмоқчиман. Масалан:

Мадримбой Олланазаров(1880-1924), элдошларимиз «Мадримхон» деб ҳам аташганлар. Хоразм халқ Жумҳурияти ижроия комитети аъзоси (1921й), Матмурод Исаев (1879-1965) ХХЖ-»Қўшчи»союзи раиси, Юсуф Авезов (1908-1999) Туркманистон МК КП аъзоси, Мадрим Раҳмонов(1912-1992) Хоразм вилояти КП

котиби (1950-1960), Яраш Полванов (1944) Сув хўжалиги вазирлиги автотрест бошқарувчиси (1985-1990), Матмурод Жуманиёзов (1906-1978) Хазорасп КП 3-котиби (1938-1940), Қурвонгул Жуманазарова (1911-1945) Хазорасп тайёрлаш идораси муовини (1940-1944), Ёкутжон Мустафаева (1910-1980), Шовот район партия комитети, хотин-қизлар бўлими мудири, Ўзбекистон Олий совети депутати (1938), Султонбой Хўжамуродов (1960) Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси, Шомурод Маҳмудов (1941-2005) Ўрта Осиё Темир йўллари Чоржўй бўлими назоратчиси (1968-1969), Саиджон Салаев (1940) Чоржўй вилояти ОбКП ташкилий ишлар бўлими мудири, Пўлатжон Раҳмонов (1938-1996 14-ХІ) тарих фанлари номзоди, ХДПИ декани, Қурбонбой Сотимов (1931-2001) педагогика фанлари номзоди ЧПИ доценти, Даврон Ҳажиев (1964) Питнак шаҳар ҳокими (1999-2003), Юсуфбой Оллаберганов Питнак шаҳар ҳокими муовини, Рустамбой Хўжамуродов (1961) Хазорасп туман ДСЭНМ бош шифокори (2007), Қаҳрамон Ибрагимов (1974) Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчи (2009). Қариндошларимнинг ҳар бирининг меҳнат фаолиятларига боғишлаб ўнлаб китоблар яратиш мумкин.

Ушбу китобчада XIX аср охири XX аср бошларида Питнак қишлоғида яшаб ўтган Матёқуб оқсоқол Хидирбой ўғли (1855-1932) билан қудаси Жумабой дароқ Одамов (1908-1938)нинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, ўша даврда уларга кўрсатилган ноҳақлик, адолатсизлик, хўрлик, жабр-ситамлари ҳақида, уларнинг фарзандлари Бибигул Матёқуб қизи (1923-2007) билан Шукуржон Жумабой дароқ қизлари (1927-2015) тилидан баён қилинади. Рисоланинг кейинги қисмида, янада кизиқарли мазмундор бўлиши учун шу уруғдан етишган ижодкорлар ишларидан намуналар бердик.

Рисолани ёзишда, суҳбатдошимнинг ҳикоясига қўшимча аниқлик киритиш мақсадида, мен билан бир замонда яшаётган амма-холаларим, тоғаларим суҳбатларидан, тарихий ҳужжатлардан, қабр тошидаги ёзувлардан, вақфнома, маълумотнома, қишлоқ фуқаролар йиғини хўжалик дафтари, архив материалларидан фойдаландим.

Айрим суҳбатдошимнинг кексалиги, бетоблиги, кўп вақт ўтганлиги сабабли қариндош уруғларимизнинг исми, фамилияларини, мансабларини баён қилишда камчиликлар қилган бўлишимиз мумкин. Бунинг учун азиз китобхонлардан узр сўрайман.

Рисоланинг дастлабки хомаки нусхаси 2006-йилда тайёрлаб қариндошларга тарқатилган эди.

Ушбу рисолани ўқиб ўзларининг танқидий фикр ва мулоҳазаларини билдирган ВПХҚТМОИ халқ таълимини бошқариш ва мактабшунослик кафедраси мудирини, профессор Т.Сотлиқовга, УрДУ ўқитувчиси А.Аҳмедовга, тарих фанлари номзоди, УрДУ доценти Озод Абдуллаевга, Ўзбекистон Эрон элчихонаси ходими, филология фанлари номзоди И.Бекжоновга, Абул маржон бобо жомеъ масжиди имом-хатиби Муроджон Болтаевга, Дилёрбек Матмуродовга, шоир ва драматург К.Матирзаевга, Хоразм-шакар кўшма корхонаси директори Рустам Акбархўжаевга, Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси С.Хўжамуродовга, Ҳазорасп туман ДСЭНМ и бош шифокори Р.Хўжамуродовга, Ҳазорасп туман ҳокими, маънавият ишлари бўйича ҳоким ўринбосари С. Матёкубовага, Ҳазорасп туман халқ таълими бўлими мудирини Қ.Болтаевга, Питнак шаҳар агробанк бошқарувчиси Ё.Қўчқаровга, Питнак шаҳар агробанк бошқарувчиси муовини М.Раҳимовга, Питнак шаҳар болалар шифохонаси бўлими мудирини О.Олланазаровга, болалар реанимация хонаси мудирини Р.Раҳимовга, шифокор Д.Хўжамуродовга, У.Юсуповга, Р.Худашкуровга, Б.Оллабергановга, Питнак шаҳар таълим маркази мудирини Р. Оразовга, Питнак шаҳар таълим маркази методика кабинети мудирини У.Ҳайитбоевга, Питнак шаҳар халқ таълими бўлими фахрийлар уюшмаси раиси М.Отажоновга, Жалолиддин Мангуберди номли ўрта мактаб тарих ва сиёсатшунослик фани ўқитувчиси С.Қурбонбоевга, 17-мактаб ўқитувчиси Х.Шариповага, оналари Б.Матёкубовага, кекса отахонимиз Искандар бобо (1912-1999), Рўзигул момо Ражабова (1919-2004), Собур бобо Матназаров (1919-2008), Оводон момо Қурбонбаова (1925-2012), Хожи бобо Хўжаев (1916-2006), Раҳима момо Саидова (1919-2009)ларга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Китоб ёзиш баҳонаси билан ўтган аждодларимиз руҳларини безовта қилган бўлсам узр сўрайман. Оллоҳ уларни раҳмат этсин! Ҳа, азизларим! Бу муқаддас тупроқда соғ-омон яшар эканмиз, қадамингизни албатта билиб босинг. Босиб ўтмоқчи ёки босиб ўтган йўлингизга қайрилиб бир назар ташланг.

Гапингизни ўйлаб-ўйлаб, қалбингиз маъқул кўрсагина фикрингизни айтишга одатланинг.

Қалбингиз амр қилмаган, ҳукм қилмаган «афсусларни» ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Уни халқимиз тилида «армон» дейдилар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3978> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3978> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3978>